

сабаблари сифатида венчур молиялаштириш амалиёти рискини давлат корхоналари ўз зиммасига олишга тайёр эмас.

корпоратив сектордаги айрим компанияларнинг монопол мавқеи, рақобатни чеклаш, шу жумладан, давлат миқёсида чеклаш ёки давлат томонидан турли инструментлар орқали қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги соҳада рақобатнинг пастлиги, шунингдек инновацияларни хусусан рақамли технологияларни жорий этиш учун имкониятларни чеклайди.

мамлакатимиз акциядорлик жамитларида инновациялар билан ишлаш бўйича ички механизмни йўлга қўйилмаганлиги инновациялар билан ишлаш бўйича фаолиятни етарлича рағбатлантирмайди ҳамда компаниялар ўзларининг батафсил моливий ҳисоботлари ва режалари ҳақида етарлича маълумотлар берилмаслиги корпоратив венчур фондлар орқали молиялаштириш амалиётини чегаралашга сабаб бўлмоқда.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Холмурадов М.

Тошкент амалий фанлар университети уқитувчиси,

Балтабаев М.

Тошкент амалий фанлар университети катта уқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг банк конунчилигида “Тижорат банкларининг активлари - кредит, микрокредит, овердрафт, лизинг, факторинг, кимматли коғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулки, булиб-булиб сотилган мол-мулк, балансдан ташқари буюмлар (кайтариб булмайдиган)) кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ва бошқа барча талаблар, ҳисобланган фоизлардан ташқари. Активлар билан боғлиқ муносабатларнинг мавжудлиги активлар билан боғлиқ операцияларни келтириб чиқаради.

Дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг йирик қисми, давлат ва давлат ташкилотлари, корпоратив мижозлар ва бошқа барча ташкилотлар тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланадилар. Иктисодий тамойил ва меъёрий конунчиликга амал қилган ҳолда фаолият курсатаётган банк тизими иктисодиётнинг ривожланишини ва миллий валютанинг барқарорлашувини таъминлайди.

Албатта, банк фаолияти самарадорлиги ва иктисодой тамойилларга амал

килиши канча юкори булса, у шунчалик куп фойда куради ва натижада баркарор молия институтга айланади. Шунинг учун банк фаолияти самарадорлигини ошириш хар кандай ижтимоий ривожланиш даражасида хар бир давлатда мухим вазифа хисобланади.

Молиявий институт сифатида банк фаолияти ликвидлилик холатини таъминлаб, рискларни камайтириб, куйилма эгалари ва акциядорларнинг хукукларини саклаган холда юкори даромад олишга каратилган фаолиятдир. Узбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш боскичида банк фаолияти самарадорлиги масаласи узгача маъно касб этади.

Ушбу масалаларнинг аксарият кисми банкларнинг баркарор ресурс базасига эга булиши, даромад келтирувчи активларни купайтирган холда банк фойдасини ошириш хамда бу оркали самарадорликни ошириш оркали ечимга эга булиш мумкин.

Дунё мамлакатларида тижорат банкларининг кредит ва кимматли когозлар портфелларининг сифатини ошириш, хусусан, кредитларнинг даромадлилиги ва риск даражаси уртасидаги мутаносибликни таъминлаш, юкори ликвидли ва корпоратив кимматли когозларга йуналтирилган инвестициялар уртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш масалалари илмий асосда тадқиқ килинмоқда.

Аммо, мазкур тадқиқотларда молиявий рисклар даражаси юкори булган, банкларнинг активлар портфеллари диверсификация даражаси паст булган шароитда активлар портфелининг сифатини оширишнинг узига хос хусусиятлари ва имкониятлари очиб берилмаганлиги тижорат банклари активлар портфеллари сифатини ошириш масаласини илмий асосда тадқиқ килиш заруриятини юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, банк активлари самарадорлигини ошириш нафакат банк тизимини, балки бутун иктисодиётни ривожлантириш масаласидир. Ушбу жараёнда тижорат банкларида активлар самарадорлигининг пасайиши вакиллик хисобварақларида ресурсларнинг етишмаслигига, банкнинг молия бозоридаги мавкеининг пасайишига, миждозларнинг банкка булган ишончсизлигининг келтириб чиқариши мумкин.

Банклардаги активларнинг сифатининг пасайиши иктисодиётнинг турли сохаларида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келади, бу эса уз навбатида ишсизликнинг купайишига олиб келади. Бундан ташқари, инкирозларнинг таъсири шуни курсатадики, иктисодий инкирознинг банк амалиётига салбий таъсири маълум бир мамлакат ёки минтака билан чекланиб колмай, балки бутун жахон иктисодиётида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда хам тижорат банкларининг кредитлари иктисодиётни ривожлантиришнинг мухим омили сифатида каралмоқда. «Истикболли инвестиция лойиҳаларини хамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларини кредитлашни кенгайтириш макроиктисодий узиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида эътироф этилган»¹⁰⁹.

Бирок, республикамизда тижорат банкларининг активлари портфелларининг сифатини ошириш билан боглик булган муаммолар кузатилмоқда. Жумладан, банклар узок муддатли кредитларининг ресурс таъминоти масаласи хал килинмаган. «Банкларга куйилган депозитларнинг 70 фоизи киска муддатли булгани холда, кредитларнинг 90 фоизи узок муддатга берилган»¹¹⁰.



Шунингдек, республикамиз тижорат банкларида трансформация риски чуқурлашиб кетган. Бундан ташқари, мамлакат тижорат банкларининг кимматли коғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган.

«Бугунги кунда, республикамиз тижорат банкларининг кимматли коғозларга килинган инвестицияларининг

брутто активлар хажмидаги салмоги атиги 1,1 фоизни ташкил этади»¹¹¹ ва ушбу курсаткич банкларнинг кимматли коғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Халқаро банк активлари самарадорлигидаги турли хил номутаносибликлар халқаро банк секторидаги инқирозга ва халқаро иқтисодий ўзишнинг пасайишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, бир қатор ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўзишига ва банкларнинг банкротлигига олиб келди. Шу нуқтаи назардан, халқаро миқёсда банк тизимининг механизмларини ўрганиш, халқаро банк активларини шакллантириш ва тақсимлаш тамойилларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ички молия бозорини ўрганиш шуни кўрсатадики, маҳаллий бозор сифими кичик ва маҳаллий капитал бозори ривожланмаган ва мамлакатда хусусий секторнинг спекулятив қарзларини таъминлаш учун фаол бозор мавжуд эмас. Ҳукумат иштирокининг юқори даражаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида шаффофлик ва тенгсизликнинг ёқлиги туфайли банк тизими ва мамлакатга сармоя киритиш хавфи юқори. Аҳолининг харид

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тугрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. - Тошкент, 2017. - № 6 (766). - 32-б.

¹¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Банклар энди “уз аравасини узи тортиши керак”. <https://sputniknewsuz.com/economy/20191026/2694075>.

¹¹¹ Тижорат банклари жамланма баланси. www.cbu.uz.

қобилиятининг пастлиги мажбуриятларни жалб қилиш ва банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Тижорат банкларининг кредит портфелининг сифатини оширишда кредитларнинг ресурс таъминоти муҳим урин тутади, бунда банклар кредитлари учун ресурс таъминотининг энг барқарор қисми бўлиб, муддатли депозитлар ва жамгарма омонатлари ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ўзок муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тускинлик килаётган асосий омил бўлиб, банкларда узок муддатли ресурсларни етишмаслиги.

Банкларнинг инвестицион кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш лозим.

Хусусан, бугунги кунда банклар амалиётида банк назорати бўйича Базел қўмитасининг тавсиялари асосида стресс тестлари орқали банкнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу усул ликвидлик даражаси, операцион фаолият, бозор қиймати, бошқарув ва хатарларни баҳолаш тизими каби омилларнинг активлар самарадорлигига сезиларли таъсирини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотимиз давомида банк операциялари самарадорлигининг услубий асосларининг умумий жиҳатларини ўрганиш, “банк активлари” ва “банк активлари операциялари” ни банк операциялари самарадорлигини аниқлашнинг асосий мезонлари сифатида таснифлаш, “банк активлари самарадорлиги” тушунчасини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ эди.

Шу муносабат билан мамлакат иқтисодчилари тижорат банклари активларининг хусусиятлари, ликвидлик ва таваккалчилик даражаси, шунингдек даромадлари бўйича гуруҳларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, ушбу масалаларни ҳал қилишга индивидуал ёндашув тижорат банклари активларининг реал қийматини аниқлашга ва муаммоли активлар ҳажмини камайтиришнинг комплекс механизминини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узок муддатли инвестицион кредитлар беришга караганда афзал бўлиб, юкори даромадлилиги ва паст риск даражаси билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Банклар энди “уз аравасини узи тортиши керак”. <https://sputniknews-uz.com/economy/20191026/2694075>.
2. 2020 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ- 5992-сонли “2020-2025 йилларга мулжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси туғрисида” ги Фармони.
3. ЎзР Марказий банкининг 2022 йил яримйиллик учун Молиявий барқарорлик шарҳи, 27-бет.
4. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси ^Аонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси